

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„29“ май 2018 й. г. № 398

Тошкент ш. – г. Ташкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариغا
ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон фармони, “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон ва “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон қарорлари)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон фармони, “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон, “Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3510-сон ва “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирлик ва идоралар ўzlари қабул қилган норматив-хуқукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси Б.Н. Умаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил « 29 » майдаги
398 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлари га киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий валютадаги давлат божлари, ийғимлар ҳамда солик бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида” 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1994 й., 3-сон, 16-модда) 2-илованинг рус тилидаги IX–бўлими матнида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбоши қўидаги таҳрирда берилсин:

до одного месяца	бесплатно
------------------	-----------

б) 4-банд қўидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. За временную прописку граждан государств-участников СНГ, а также лиц, прибывших из государств-участников СНГ, с паспортами бывшего СССР, в которых отсутствуют отметки о гражданстве, на срок:

до одного месяца	бесплатно
------------------	-----------

свыше одного месяца до шести месяцев	5 долларов США
--------------------------------------	----------------

свыше шести месяцев	10 долларов США”.
---------------------	-------------------

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида” 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 9-илованинг рус тилидаги матнида:

а) номидаги “Госкоминвестиций” сўзидан сўнг “территориальных подразделений Госкомтуризма» сўзлари қўшилсин;

б) “Наименование должности” устунидаги “начальник управления” сўзларидан сўнг “директор департамента” сўзлари қўшилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларида:

а) 2-банднинг “а” кичик бандидаги “кириш визасининг амал қилиш муддатига” сўзларидан сўнг “шунингдек, Ўзбекистон Республикасида бўлиш даврида виза режими қўлланилмайдиган ёки визалар беришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган хорижий фуқароларни” сўзлари қўшилсин;

б) 5-банд қўидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Таклиф қилувчи (қабул қилувчи) шахслар, ташкилотлар, шу жумладан туризм операторлари хорижий фуқароларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ушбу Қоидаларда назарда тутилган хукуқлари ҳамда мажбуриятлари ўз вақтида тушунтирилишини, хорижий фуқаролар билан муносабатда бўлишда белгиланган хукукий нормаларнинг аниқ бажарилишини

таъминлайдилар, хорижий фуқароларнинг (Ўзбекистон Республикасида шахсий ишлар бўйича хорижий фуқароларни қабул қиласидан ва уларга нотижорат мақсадида яшаш майдони тақдим этадиган жисмоний шахслардан ташқари) тегишли ҳисобини юритадилар, шунингдек, уларни Интернет тармоғи (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) орқали маҳсус электрон автоматлаштирилган дастур ёрдамида хабардор қилиш ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлимларига мурожаат қилиш йўли билан вақтингчалик прописка қилишини таъминланиши, уларнинг республика ҳудудида ҳаракатланиши ва бўлишининг муайян муддати тугагандан кейин Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишлари учун жавоб берадилар.

Хорижий туристларни қабул қилувчи туризм операторлари, шунингдек, уларнинг ходимлари хорижий туристлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилиши юзасидан жавобгарликдан озод қилинадилар, ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган жавобгарлик бундан мустасно.

Жойлаштириш воситаларига, даволаш муассасалари ва бошқа турар-жой майдонларига жойлаштирилган хорижий фуқаролар жойлаштириш воситалари ҳамда даволаш муассасалариниг маъмуриятлари, шунингдек, бошқа турар-жой майдонлари эгаларининг масъулиятини кучайтирган ҳолда вақтингчалик прописка қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этилади, ушбу Низом 13-бандининг “в” кичик бандида эслатиб ўтилган ва келганидан сўнг ички ишлар органларини уч кун давомида мустакил хабардор қилиши шарт бўлган хорижий фуқаролар бундан мустасно”;

в) 7-банднинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Хорижий фуқароларни шахсий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган (қабул қилувчи) ва уларга нотижорат мақсадларида турар жой берган шахслар:

хорижий фуқароларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошмаса, ҳудудий ички ишлар органларига шахсан мурожаат қилиш ёки уларни Дастур ёрдамида хабардор қилиш;

хорижий фуқароларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошса, ҳудудий ички ишлар органларига шахсан мурожаат қилиш йўли билан уларнинг вақтингчалик пропискасини таъминлаш чораларини қўришга;

уларга белгиланган бўлиш муддатлари тугаши билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишда кўмаклашишга мажбурдир”;

г) 9-бандда “Ўзбекистон Республикасининг ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда” сўзларидан сўнг “шу жумладан Дастур ёрдамида” сўzlари қўшилсин;

д) 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Ўзбекистон Республикасида вақтингча бўладиган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий паспортлар бўйича вақтингчалик прописка асосида яшайдилар. Вақтингчалик прописка белгиланган жойга келингандан сўнг уч сутка мобайнида амалга оширилади, байрам ва дам олиш (якшанба) кунлари бундан мустасно.

Вақтингчалик прописканинг уч кунлик муддати келган санадан (хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг назорат-ўтказиш пункти орқали ўтгандан сўнг) кейинги кундаги соат 00:01 дан ҳисобланади.”;

е) 12-банднинг “д” кичик банди қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“д) сафарда юрган хорижий фуқаролар, агар республиканинг ҳар бир аниқ аҳоли яшаш жойида уларнинг бўлиш муддати уч суткадан ошмаса ва келганини тасдиқловчи хужжатлар (хизматлардан фойдалангани ва товарлар харид қилганини тасдиқловчи хужжатлар) мавжуд бўлса. Бунда бир аҳоли яшаш жойида узлуксиз рўйхатдан ўтиш талаби белгиланмайди”.

ж) 13-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Хорижий фуқароларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан қуидаги шаклларда амалга оширилади:

а) жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмуриятларини хорижий фуқароларнинг келиш муддатидан қатъий назар улар жойлаштирилган вактда, таклиф қилган (қабул қилувчи) шахсларни, шу жумладан туризм операторларини тур бошланидан аввал Дастур ёрдамида хабардор қилиш;

б) хорижий фуқароларни шахсий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган (қабул қилган) ва нотижорат мақсадларида уларга турар жой берган жисмоний шахслар томонидан:

агар хорижий фуқароларнинг келиш муддати 30 кундан ошмаса, Дастур ёрдамида хорижий фуқаролар жойлаштирилган вактда хабардор қилиш ёки худудий ички ишлар органларига улар келгандан сўнг уч кун давомида ёзма равища мурожаат қилиш, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно;

хорижий фуқароларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошса, улар келганидан сўнг уч кун давомида худудий ички ишлар органларига ёзма равища мурожаат қилиш, байрам ва дам олиш (якшанба) кунлари бундан мустасно;

в) мустақил саёҳат қиласиган, палаткали лагерлар ва тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти транспортида яшайдиган хорижий фуқароларнинг келгандан сўнг уч кун давомида туристик-ахборот марказлари ёки яқин атрофда жойлашган жойлаштириш воситаларига мурожаати орқали, Дастаннинг маҳсус модули йўлга қўйилгандан сўнг эса, лекин 2018 йилнинг 1 июлидан кеч бўлмаган муддатда, бориши йўналишлари бўйича аҳоли яшаш жойларини кўрсатган ҳолда маълумотларни улар томонидан мустақил тўлдириш орқали хабардор қилиш.

Туристик-ахборот марказлари ва жойлаштириш воситалари маъмуриятлари мустақил саёҳат қиласиган хорижий фуқароларнинг мурожаатлари асосида улар ҳақидаги маълумотларни тўлдириб, худудий ички ишлар органларига Дастур ёрдамида хабарнома юборишлари шарт.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари томонидан жойлашган шахслар ҳисоби юритилади.

Ички ишлар органи жойлашган шахслар ҳақидаги ахборотни ҳар ҳафтада худудлар бўйича манзил-маълумотнома бюросига юбориши шарт. Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари турувчилик жойлашган

вақтда ички ишлар органларини пропискага қўйилиши керак бўлган жойлашган шахслар тўғрисида Дастур ёрдамида хабардор қилиши шарт.

Жойлаштириш хизматларини қўрсатувчи хусусий уйларда (хонадонларда) яшовчилар ҳисоби жойлаштириш воситаларининг масъул шахслари томонидан жойлаштириш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги ёзма келишув (шартнома) асосида ёки белгиланган тартибда сертификатланган ушбу уйлар (хонадонлар) эгалари томонидан мустақил равишда Дастур ёрдамида юритилади.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари томонидан ушбу талаабнинг бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади”;

3) 15-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Мазкур Коидаларнинг 12, 14 ва 16-бандларида кўрсатиб ўтилмаган хорижий фуқаролар, агар уларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошмаса, Дастур ёрдамида хабардор қилиш ёки ҳудудий ички ишлар органига ёзма равишда мурожаат қилиш ва агар бўлиш муддати 30 кундан ошса, таклиф қилувчилар (қабул қилувчи) шахслар, ташкилотларнинг ёзма равишдаги мурожаати асосида ҳудудий ички ишлар органларида проспика қилиниши лозим. Хабарномалар хорижий фуқаролар жойлашган вақтда берилиши, ички ишлар органларига эса уч кундан кечикмасдан мурожаат қилиниши даркор, байрам ва дам олиш (якшанба) кунлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасига шахсий ишлар бўйича ва фуқаролар таклифларига асосан келадиган хорижий фуқаролар уларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган (қабул қилган) ва уларга нотижорат мақсадларида турар жой берган шахслар томонидан қўйидагилар орқали вақтинча пропiska қилинади:

хорижий фуқароларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошмаса, ҳудудий ички ишлар органларига шахсан мурожаат қилиш ёки уларни Дастур ёрдамида хабардор қилиш;

хорижий фуқароларнинг бўлиш муддати 30 кундан ошса, ҳудудий ички ишлар органларига шахсан мурожаат қилиш.

30 кунгача вақтинчалик пропiska учун таклиф қилган (қабул қилувчи) шахслар Дастурда қайд этилади ва ушбу Дастур ёрдамида туристик (мехмонхона) йигимини тўлайди ҳамда ҳудудий ички ишлар органларига қўйидаги хужжатларни электрон шаклда юборади:

белгиланган шаклдаги ариза;

миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахс учун келиш хужжатининг нусхаси;

уй-жой эгасининг вақтинча пропiska учун ёзма розилиги ва уй-жойга нисбатан ҳукуқни белгиловчи хужжатлар.

Таклиф қилган (қабул қилувчи) шахслар 30 кунгача вақтинчалик пропiska учун ҳудудий ички ишлар органларига ёзма равишда мурожаат қилган ҳолда, юқорида қайд этилган хужжатларни ҳамда туристик (мехмонхона) йигими тўлангани тўғрисидаги квитанцияни тақдим этади.

Таклиф қилган (қабул қилувчи) шахслар, ташкилотлар 30 кундан ортиқ муддатга вақтингчалик прописка учун ўзлари жойлашган жойдаги худудий ички ишлар органларига қуидаги хужжатларни тақдим этади:

белгиланган шаклдаги ариза;
қабул қилувчи ташкилотнинг белгиланган шаклдаги илтимосномаси;
миллий паспорт ёки фуқаролиги бўлмаган шахс учун ҳужжат;
уй-жой эгасининг вақтингчалик прописка учун ёзма розилиги ва уй-жойга нисбатан ҳукуқни белгиловчи хужжатлар;
давлат божи тўлангани тўғрисидаги квитанция.

Хорижий фуқароларнинг вақтингчалик прописасини узайтириш учун таклиф қилган (қабул қилувчи) шахслар, ташкилотлар ички ишлар органларига вақтингчалик прописка муддати тамом бўлишигача уч иш қунидан кечикмасдан мурожаат қилишлари керак”;

и) 17-банддаги “бу фуқароларнинг шахсий мурожаатномалари ёки қабул қилувчи ташкилотларнинг буюртманомалари асосида мурожаатномаларда, турларда, аризаларда кўрсатилган муддатга ёки визанинг амал қилиш муддатида” сўzlари “Дастур ёрдамида” сўzlари билан алмаштирилсин;

к) 19-банднинг биринчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган, шунингдек, бошқа қоидабузарликларга йўл қўйган хорижий фуқаролар ҳақида жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмуриятлари, бошқа турар-жой майдонлари эгалари худудий ички ишлар органларига зудлик билан хабар қилишга мажбур”;

л) 20-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларида, шунингдек, бошқа турар-жой майдонларида яшайдиган хорижий фуқароларнинг бўлиш муддати қабул қилувчи ташкилотларнинг ёзма илтимослари ёки таклиф қилган (қабул қилувчи) шахслар, ташкилотларнинг ёзма мурожаатлари ёхуд ушбу Қоидаларнинг 6¹-бандида кўрсатилган хорижий фуқароларнинг ўз ёзма аризалари (туристлар учун - турнинг амалда бўлиши муддатига) асосида, лекин визанинг амал қилиши муддати доирасида узайтирилади”;

м) 22-банддаги “жойлаштириш воситаси ва даволаш муассасасига” сўzlаридан сўнг “ва бошқа турар-жой майдонларига” сўzlари қўшилсин;

н) 25-банддаги “Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмурияти” сўzlаридан сўнг “шунингдек, бошқа турар-жой майдонлари эгалари” сўzlари қўшилсин;

о) 32-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“32. Хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб фақат хорижий фуқаролар боришига рухсат берилган жойларда ҳаракат қилишлари шарт.

Хорижий фуқаролар вақтингча бўлиш жойига келгач, таклиф қилган (қабул қилувчи) шахслар, ташкилотлар худудий ички ишлар органларини Дастур ёрдамида хабардор қилиш ёки уларга ёзма равишда мурожаат қилиш орқали

уларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида вақтингчалик прописка қилиши шарт.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларига келган хорижий фуқаролар ушбу муассасаларда ҳисобга турадилар.

Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшайдиган ва яшаш рухсатномасига эга бўлган хорижий фуқаролар учун вақтингчалик прописка уларнинг муайян яшаш жойида бўлган давр учун амалга оширилади. Уч кундан олти ойгача бўлган даврда вақтингчалик прописка шахсни доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқармасдан амалга оширилади. 6 ойдан ортиқ муддатга вақтингчалик прописка қилиш хизмат сафарига, таътилга, дам олиш ёки даволанишга бораётган шахслардан ташқари, шахсни доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқарган ҳолда амалга оширилади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Япония фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида” 2002 йил 22 июлдаги 259-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2002 й., 14-сон, 110-модда) 1-бандининг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2003 й., 21-сон, 204-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларда:

а) 23-банднинг учинчи хатбошидаги “шунингдек тунги қатновларни ташкил этиш тақиқланади, тендер контрактида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 30-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Туристлар автобуслари хавфсизлик талабларига (GPS, мажбурий ва (ёки) ихтиёрий суғурта полислари, ёруғлик қайтарувчи маҳсус мослама (линия), икки нафар ҳайдовчи ва уларда мобил алоқа мавжудлиги) жавоб берган тақдирда кузатиб борилмайди”;

в) 31 банднинг рус тилидаги матнидан “Туристско-экскурсионные и” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 44-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 14 ноябрдаги 510-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2003 й., 21-сон, 218-модда) билан тасдиқланган Геодезия ва картография фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга 1-иловада:

а) 1-банд “б” кичик бандининг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) картография ишлари (туристик объектлар (архитектура ёдгорликлари ва бошқалар) ва инфратузилма (мехмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, туристик йўналишлар ҳамда бошқалар) жойлашган жой қайд этилган ва кўрсатилган мавзуга оид туристик хариталар нусхасини кўпайтириш ҳамда тарқатишдан ташқари):”;

б) 2-банд “б” кичик бандининг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) картография ишлари (туристик объектлар (архитектура ёдгорликлари ва бошқалар) ва инфратузилма (мехмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари, туристик йўналишлар ҳамда бошқалар) жойлашган жой қайд этилган ва кўрсатилган мавзуга оид туристик хариталар нусхасини кўпайтириш ҳамда тарқатишдан ташқари):”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда хизмат енгил автомобилларидан фойдаланишни янада тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-иловага қўйидаги мазмундаги 37¹-позиция қўшилсин:

«

№ п/п	Подразделения	Количество на 01.04.2011 г., всего	Предлагаемое количество с 01.06.2011 г.			Сокращение	
			всего	в том числе			
				персо- нальные	дежурные	спец. транспорт	
37 ¹	Госкомтуризм	22	53	25	13	15	31 140
	Центральный аппарат	3	9	5	2	2	6 200
	Областные звенья	5	24	14	5	5	19 380
	Подведомственные организации	14	20	6	6	8	6 42

»;

б) 2-иловадаги 55 позиция чиқариб ташлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 июндаги 169-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2012 й., 23-24-сон, 263-модда) билан тасдиқланган Хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида бадиий фильмларни кино- ва видеотасвирга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Бунда ариза берувчи Ўзбекистон брендини илгари суриш шарти билан, шу жумладан кириш (сарлавҳа) ва (ёки) якуний титрда тасвирга олиш мамлакати ҳамда жойини (объекти) алоҳида кадрлар билан кўрсатиш орқали моддий-маданий мерос объектларида тасвирга олиш учун ушбу йигин ва ижара тўловларини тўлашдан озод этилади”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг самовий худудида учувчисиз учиш аппаратларидан рухсатсиз фойдаланилиши ҳақида огоҳлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2014 йил 26 ноябрдаги 322-сон қарорининг рус тилидаги матнига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Временный ввоз и использование на территории Республики Узбекистан беспилотных летательных аппаратов для подготовки фото- и видеоматериалов о туристском потенциале республики разрешается, в том числе зарубежным творческим группам, по ходатайствам Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма, Министерства культуры Республики Узбекистан и Национального агентства «Узбеккино», с предоставлением в Министерство обороны Республики Узбекистан и Государственную инспекцию Республики Узбекистан по надзору за безопасностью полетов информации о лицах, ввозящих и использующих беспилотные летательные аппараты и местах съемок».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги 53-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2015 й., 10-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Туристлар бориши тақиқланган обьектлар ва ҳудудлар рўйхатининг бешинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 15 мартдаги 137-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КҲТ, 2017 й., 11-сон, 165-модда):

а) 1-илованинг 7-бандига қуйидаги мазмундаги хатбошилари қўшилсин:

“туризм соҳасида тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан ёш тадбиркорларни рағбатлантириш, ушбу рағбатлантириш шартлари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан белгиланади;

Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини ташқи бозорларга ва республика ҳудудида ҳар чоракда қуйидаги ҳисоб рақамларга маблағлар ўтказиш орқали илгари суриш:

Жамғармага ўтган чорак якунлари бўйича тушган умумий маблағларнинг – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги “Миллий PR-марказ” ДУКга – 20 фоизи микдорида,

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига ўтган чорак мобайнида тегишли ҳудуддаги жойлаштириш воситаларига жойлаштирилган хорижий фуқароларнинг тунаб қолиш сонига мутаносиб равища – 10 фоизи микдорида,

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига қўшни давлатлар, МДҲнинг бошқа давлатлари ва узоқ хориж мамлакатларидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан республикага келган хорижий фуқаролар сонининг ўсиши асосида – 10 фоизи микдорида. Ажратмалар микдори Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг қарори билан уларнинг иш самарадорлигига қараб ўзгартирилиши мумкин”.

б) 2-иловада:

2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“туристик (мехмонхона) йиғим - жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари 16 ёшгача бўлган болалардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган хорижий фуқаролар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслардан ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ микдорларда улар яшаган ҳар бир кун учун ундирадиган йиғим. Тўлиқ бўлмаган яшаш куни учун туристик (мехмонхона) йиғим тўлиқ яшалган кун микдорида ундирилади.

Бунда туристик (мехмонхона) йиғим, шунингдек:

палаткали лагерлар ва тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти транспортида яшашни ташкил қилган туризм фаолияти (туризм операторлари) субъектлари томонидан яшовчилардан ҳам ундирилади;

Ўзбекистон Республикасига 30 кунгача келадиган хорижий фуқароларни қабул қилиб, уларга нотижорат мақсадларида яшаш майдони тақдим этган жисмоний шахслар томонидан;

мустақил саёҳат қиласидиган, палаткали лагерлар ва тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти транспортида яшайдиган хорижий фуқаролар томонидан тўланади”;

Кўйидаги мазмундаги илова қўшилсин:

“Ўзбекистон Республикаси худудида туристик
(мехмонхона) йигимни ундириш тартиби тўғрисидаги
низомга илова

**Мехмонхона ва бошқа жойлаштириш воситаларидан ундириладиган туристик
(мехмонхона) йигимнинг табақалаштирилган миқдорлари**

Жойлаштириш воситалари	Хоналар сони	Туристик (мехмонхона) йигимнинг миқдори (энг кам ойлик иш ҳақининг фоизида)
Мехмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари*: мехмонхоналар, апартотеллар, апартаментлар комплекси (резиденция), спа-мехмонхоналар, бутик-отеллар, мотеллар, туристик базалар, туристик лагерлар, палаткали (кемпинг) лагерлар, ўтовли лагерлар, дам олиш зоналари ва уйлари (марказлари), туристик қишлоқлар, кемпинглар ва бошқалар	40 дан ортиқ	15
	11-40	10
	10 гача	5
Санаторий-курорт жойлаштириш воситалари: санаторийлар, пансионатлар, яшаш мумкин бўлган шифохоналар ва бошқалар		10
Дам олиш ва дам олишни ташкил қилиш учун ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари: дам олиш уйлари (марказлар, зоналар), спорт базалари ва бошқалар		
Якка тартибдаги жойлаштириш воситалари, жумладан (хоналар фонди 5 донагача бўлган): дала ҳовли, шахсий уй, квартира, экоферма, тоғдаги уй, қишлоқдаги уй, ўтов, апартаментлар, хостеллар ва бошқалар		5
Палаткали лагерлар ва тунаш учун жойлаштириш воситаларига қайта жиҳозланган ер усти транспорти (мустақил, туроператор орқали, туристик ахборот бюроси ва жойлаштириш воситалари)		
Мустақил саёҳат қиласидиган, палаткали лагерлар ва тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти транспортида яшайдиган хорижий фуқаролар		2
Даволаш муассасалари		
Қишлоқ жойларда маҳаллий аҳоли уйларида ташкил қилинган меҳмон уйлари (ўринлар сони 10 тагача бўлиб, меҳмонхона уйларига қўйиладиган талабларга мувофиқ ташкил этилган)		
Нотижорат мақсадлардаги шахсий уйлар (квартиralар)		

* Мехмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларини ҳар бир таснифланган юлдуз учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи қўшилади»;

в) 4-бандда:

олтинчи хатбошига “автоматлаштирилган дастурини” сўзларидан сўнг “кейинги ўринларда Дастур деб аталади)” сўзлари қўшилсин;

еттинчи хатбошидаги “, шу жумладан вақтинча яшаш муддатлари кейинги ойга ўтадиган жисмоний шахслар бўйича ўтган ойдаги амалдаги яшаш кунлари учун” сўзлари чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

куйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

“Даволаш муассасалари ушбу банднинг иккинчи, бешинчи ва еттинчи хатбошиларига мувофиқ чора-тадбирларга риоя этишга мажбур”;

тўққизинчи хатбошига “ва даволаш муассасалари” сўзлари қўшилсин;

г) 5-банд куйидаги таҳирда баён этилсин:

“5. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳар ойнинг 10 санасигача жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларида яшовчилар ҳисобини юритишнинг маҳсус электрон автоматлаштирилган дастурини қўллаган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида жойлаштириш воситалари ҳамда даволаш муассасалари ўтган ой якуплари бўйича ҳақиқатда яшаган ва улар учун туристик (мехмонхона) йигим миқдорини ўтказиши лозим бўлган жисмоний шахслар тўғрисида умумлаштирилган маълумотларни шакллантиради. Мазкур маълумотлар жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари бўйича шакллантирилади ва Жамғарманинг маҳсус ҳисобрақамларига ундириладиган туристик (мехмонхона) йигим миқдорининг тўлиқ тушишини текшириш учун фойдаланилади”;

д) 6-банд куйидаги таҳирда баён этилсин:

“6. Туристик (мехмонхона) йигим миқдори Жамғарма маҳсус ҳисобрақамига ўз вақтида ёки тўлиқ ўтказилмаганлиги учун жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари кечикирилган ҳар бир кун учун туристик (мехмонхона) йигим ўтказилмаган миқдорнинг 0,05 фоизи, бирор қарздорлик умумий миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайдилар.

Мустакил саёҳат қиласидаги, палаткали лагерлар ва тунаш учун қайта жиҳозланган ер усти транспортида яшайдиган хорижий фуқаролар туристик (мехмонхона) йигим миқдорини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаса, Ўзбекистон Республикасидан чиқишида Дастур маълумотлари асосида туристик (мехмонхона) йигимнинг тўланмаган қисми учун ўн баравар миқдорида жарима тўлайди”.

ж) 8-банд куйидаги таҳирда баён этилсин:

“8. Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари ундирадиган уларнинг маҳсус ҳисобрақамига тушган туристик (мехмонхона) йигим миқдори жойлаштириш воситалари ҳамда даволаш муассасаларининг тушуми (фойдаси) ҳисобланмайди, улардан даромад солиғи (ягона солиқ тўлови), бошқа мажбурий йигимлари ҳамда тўловлар олинмайди”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 189-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2017 й., 14-сон, 231-модда) 8-бандига куйидаги мазмундаги “к” кичик банди қўшилсин:

к) “Ҳар йили 500 нафардан ортиқ туристга хизмат кўрсатилганда лицензиатда электрон тўловлар, брон қилиш, эквайринг каби хизматлар кўрсатувчи кўп тилли веб-сайт мавжуд бўлиши”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти ҳокимлиги хузуридаги Туризмни ривожлантириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 19 октябрдаги 852-сон қарорининг 1 ва 3-бандлари, шунингдек, унинг 1-3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.